



ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЛУҒВОР МАҚСАДИМИЗ

Фарғона шахрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



— Биз ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ инсон қадрини улуғлашни энг олий қадрият сифатида эътироф этдик. Янгиланган Конституциямизда ҳам Ўзбекистон ҳуқуқий давлат эканлигини муҳрлаб қўйдик. Ягона мақсадимиз — адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали халқимизни рози қилиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун ваколатли тузилмаларга барча шароитлар яратилмоқда. Охириги икки йилда ҳуқуқ-тартибот фаолиятига

оид 10 та қонун, Президентнинг 40 га яқин фармон ва қарорлари, 60 дан орტიқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, айниқса, ички ишлар ходимларининг ойлик маоши кескин оширилди ва қўллаб-имтиёзлар берилди. “Маҳалладаги бешлик” учун 30 мингдан ортиқ янги штатлар киритилди. Чунки аҳолининг тинчлигини таъминлаш маҳалладан бошланиши керак.

Лекин ўтган 6 ойда маҳаллаларда барвақт олдини олиш мумкин бўлган

12 мингга яқин жиноят содир этилган. 9 минг 500 га яқин маҳалланинг 1 минг 500 тасида криминоген вазият бор.

Жиноятчилиқни жиловлash ва аҳоли билан ишлашда сусткашликка йўл қўйганлиги учун Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари, ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари ва жамоат хавфсизлиги учун масъул ўринбосарига “ҳайфсан” эълон қилинди.

Сергеи, Янихаёт, Шайхонтоҳур, Ғиждувон, Когон, Тупроққалъа, Тахтақўпир,

Томди, Яқабоб, Олтинсой, Зафаробод, Боевут, Гулистон, Мингбулок, Олтинқул туманлари ички ишлар бўлими бошлиқлари, Андижон, Бандихон, Бувайда, Нарпай, Юнусобод туманлари прокурорлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Маълумки, Нукус шахридаги “Алтин жағис” маҳалласида жиноят йўлига кириш эҳтимоли юқори аҳоли билан янгича ишлаш тизими жорий қилинди. Унга қўра, бундай тоифага кирувчи аҳоли “ижтимоий профилактика” тамойили асосида “маҳалла бешлиги”га номма-ном бириктирилди. Лекин бу тизимни бутун мамлакатда жорий этиш сустр ташкил этилган.

Энди маҳаллада жиноятчилиқни жиловлash борасида янгича иш тартибига ўтилиши белгиланди. “Ижтимоий профилактика” бўйича маҳалла масъулларининг вазифалари ва методикасини ишлаб чиқишга кўрсатма берилди.

Вилоят — туман — маҳалла кесимида ижтимоий ва криминоген муаммоларни рақамлаштириш орқали “Ижтимоий вазият” ахборот тизимини, шунингдек, “112” тезкор рақами ва диспетчерлик тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Жиноят қилган шахсларнинг ҳар учинчисини ёшлар ташкил қилаётгани афсус билан қайд этилди. Шу боис, уюлмаган ёшлар билан ягона ёндашув асосида ишлашни йўлга қўйиш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раиси бошчилигида Идораларо кенгаш тузиладиган бўлди. Бу кенгаш ёшлар билан манзилли ишлаш дастурларини амалга оширади.

Оилавий низолар, аёллар жиноятчилиги ҳолатларига ҳам эътибор қаратилди. Ижтимоий-маиший муаммоси бор оилалар билан ишлаш — давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши кераклиги таъкидланди. Шу мақсадда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Энди оғир ҳаётий ахлолга тушган оилаларга ёрдам бериш бўйича “ижтимоий хизмат иши” очилди. “Хавфсиз оила” тамойили асосида алоҳида иш тизими йўлга қўйилди.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Қўп миллатли халқимиз шу кунларда Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Айнан 1991 йил 31 август куни халқимиз ўз Ватани, тақдири ва келажагига ўзи эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси — янги суверен ва мустақил давлат пайдо бўлди.

Ўтган тарихан қисқа вақт давомида элимизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти билан миллий ўзлигимиз, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, эзгу қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди, давлат ва жамият ҳаётининг туб асослари ўзгариб, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Мустақил тараққиёт йўлидаги кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунда юртимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилмоқда.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, хусусан, янгиланган

Конституциямизнинг қабул қилиниши эл-юртимиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганини яна бир бор яққол тасдиқлади.

Айниқса, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва тadbиркорликка кенг йўл очиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағаллиқни қисқартириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий хизматлар ва таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, юртимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида эришяётган натижаларимиз тобора яққол намоён бўлмоқда, уларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида сезмоқда, ҳис этмоқда.

Дунёдаги мураккаб сиёсий-иқтисодий вазиятга қарамайдан, бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттириб, янги босқичга олиб чиқишда биз учун барча ютуқларимиз омилли, куч-ғайрат, гурур ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётган Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даражаси, шону шуҳратига мос ҳолда муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш мақсадида:



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ УЧУН ТИББИЁТ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–414-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, спорт тиббиёти соҳасида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш орқали спортчиларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қўйидагилар жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт тиббиёти йўналишини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

кадрлар тайёрлаш бўйича илгор инновацион, илмий-услубий технология-

ларни жорий этиш орқали ўқув жараёнининг спорт-таълим муассасалари ва миллий терма жамоалар билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш;

спорт тиббиёти йўналишида кадрлар тайёрлашда талабаларнинг амалий машғулот дarsлари ҳамда амалиётини Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ташкил этиш орқали дуал таълим тизимини ривожлантириш; хоржий мутахассислар (спорт шифокори, спорт диетолог, спорт физиолог, спорт фармакологи, спорт психолог) ни жалб қилган ҳолда спорт тиббиёти соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш;



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МАҲАЛЛАЛАРДА СПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, спорт майдончалари тозаллигини сақлаш ва атрофини ободонлаштириш бўйича ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Юриш, гуруриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5282-сон ҳамда 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–201-сон қарорларига

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги ПҚ–201-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 5-бандида “Беш ташаббус олимпиадаси” доира-сидаги голиб ва совриндор бўлган ҳамда худудида спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган маҳалла терма жамоалари учун универсал, стритбол ва воркауз спорт майдончаларини (кейинги ўринларда — спорт майдончалари) қуриш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлиқни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, Янги Ўзбекистоннинг тинчликсевар ва халқларвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, шунингдек, турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги

ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар мукофотлансин:

“Дўстлик” ордени билан

Аллаберганов Бекман — Амударё тумани нуронийлар жамоатчилиқ кенгаши раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Алтунина Лариса Михайловна — Ўзбекистон рус миллий маданий марказининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси, Тошкент вилояти

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ УЧУН ТИББИЁТ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси-ни ўрганган ҳолда спорт шифокори ва спорт диетологи мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш орқали спортчиларга тиббий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш.

2. Белгилансинки:
а) жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт шифокори ва спорт диетологи мутахассисларини тайёрлаш бўйича Тошкент тиббиёт академияси бош олий таълим муассасаси ҳисобланади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб: Тошкент тиббиёт академиясида “Спорт шифокори” ва “Спорт диетологияси (овқатланиш илми)” бўйича магистратура мутахассисликлари жорий этилади;

Тошкент фармацевтика институтда “Экспериментал ва спорт фармакологияси” магистратура мутахассислиги бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари икки бараварга оширилади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев)нинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузорида ташкил этилган тиббиёт факультетини (“Даволаш иши” таълим йўналиши) янада кенгайтириш орқали уни Тошкент тиббиёт академиясининг Чирчиқ филиали (кейинги ўринларда — Филиал) га айлантириш;

Филиалда спорт тиббиёти ва бошқа тиббиёт мутахассисликлари (“Даволаш иши”, “Фармацевтика”, “Педиатрия”) бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда Чирчиқ шаҳридаги барча турдаги тиббиёт муассасаларини Филиалга клиник-ўқув база сифатида бириктириш;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Аранча қўрғони, А.Яссавий маҳалласида жойлашган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги собиқ 3-сонли оилавий поликлиника, Чирчиқ шаҳри, А.Темур маҳалласида жойлашган Чирчиқ тиббиёт коллежининг бино-иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Филиалга бегараз бериш;

Филиалга ажратилган бино ва иншоотларни заруратга кўра 2024/2025 ўқув йилига қадар

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академиясининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жорий таъмирлаш ва филиални ушбу объектларга тўлиқ жойлаштириш;

б) Филиалнинг спорт тиббиёти бўйича (“Спорт шифокори”, “Спорт диетологи” ва “Спорт фармакологи”) кадрлар тайёрлашга ихтисослашган факультетини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети бино-иншоотларининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш орқали спорт соҳасида кадрларни комплекс тайёрлаш бўйича “Чирчиқ спорт кластери” намунасини яратиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:
Филиалнинг спорт тиббиёти факультетини жойлаштириш учун тегишли бино-иншоотларни ажратиш ва уларни сақлаш харажатлари ҳамда талабаларини ётоқхона билан таъминлаш Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Филиалга талабаларни қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Бунда, спорт тиббиёти (“Спорт шифокори”, “Спорт диетологи” ва “Спорт фармакологи”) йўналишларига қабул параметрлари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тақдим этиладиган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шакллантирилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудибиев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев) 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида тиббиёт ва фармацевтика йўналишида кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ўқув-машғулотлар базасини яратиш, жумладан, замонавий лаборатория, симуляция ускуналари ва бошқа ускуналарни харид қилиш ва ушбу йўналиш учун Филиалга ажратилган бино-иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш чораларини кўрсин.

6. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудибиев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар давлат спорт-таълим муассасаларининг янгиланган штат меъёрларини тасдиқласин.

Бунда, “Спорт шифокори”, “Спорт диетологи” ҳамда “Спорт фармакологи” мутахассислиги бўйича штат бирликларига эҳтиёжи мавжуд бўлган давлат спорт-таълим муассасаларига ушбу штат бирликларини ажратиш назарда тутилсин.

7. Белгилансинки, давлат спорт-таълим муассасаларининг спорт шифокорлари, спорт

диетологлари ва спорт фармакологлари Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида белгиланган тартибда бепул малака оширади.

Бунда, ушбу мутахассисларнинг малака ошириши билан боғлиқ амалий дарслар Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ташкил этилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов): маҳаллий ва хорижий мутахассислар (спорт шифокори, спорт диетологи, спорт физиолог, спорт фармакологи, спорт психолог) ни жалб қилган ҳолда доимий равишда спорт тиббиёти соҳасидаги мутахассислар учун ўқув курслари, семинарлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиб босин;

2024/2025 ўқув йилига қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда “70910233-Спорт тиббиёти” ҳамда “70910401-Гигиена: нутрициология” мутахассисликлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Мудофаа вазирлиги (Б.Қурбанов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда:

бир ой мuddатда миллий терма жамоа аъзоларига тайёргарлик ва мусобақалардан кейинги даврда юқори малакали махсус тиббий амалиёт ўтказиш хизматларини ташкил этиш бўйича Қўролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпитали билан ҳамкорликни йўлга қўйсин;

Қўролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпитали орқали спортчиларга юқори малакали махсус тиббий амалиёт ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар Давлат бюджети параметрларида спорт соҳасини ривожлантириш дастурлари учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутсин.

Бунда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Қўролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпиталида юқори малакали махсус тиббий амалиёт ўтказиладиган спортчилар контингенти Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси томонидан Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

10. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилояти ҳокимликларининг Нукус, Андижон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Қуйидагилар Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

жойларда спортчиларнинг жисмоний ҳолати ва ривожланишини доимий назорат қилиб бориш, улардаги ўткир, сурункали касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш;

спорт-таълим муассасалари, шунингдек, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида фаолият олиб бораётган тиббиёт мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг профессионал фаолиятига қўмаклашиш;

спорт-таълим муассасаларига спорт тиббиёти йўналишида илмий-методик ёрдам кўрсатиш;

спортчиларнинг касаллик ва жараҳатларини даволаш, шунингдек, уларга махсус ҳамда комплекс тезкор тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида тиббий-жисмоний тарбия диспансерлари вази фасини бажариш;

спортчиларнинг касаллик тарихини ўзида акс эттирувчи ягона электрон ахборот тизимини яратиш;

олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ҳамда ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида тайёрланаётган профессионал спортчиларни бир йилда икки мартаба чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиш ва тиббий мониторинг олиб бориш;

генетик таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, спортчиларни спорт турларига бириктириш ва селекция тизимини йўлга қўйиш.

12. Марказнинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари;

тиббий хизматларни кўрсатиш ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрилари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И.Икрамовга Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Парасиё ҳамда бошқа нуфузли халқаро спорт мусобақаларига спортчиларни комплекс тайёрлашга ажратилган бюджет маблағларининг бир қисmini спортчиларга чуқурлаштирилган тиббий хизматларни кўрсатиш учун Марказ ва унинг минтақавий филиалларига мақсадли йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

бир ой мuddатда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда Нукус, Андижон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги давлат мулки бўлган бўш турган биноларни хатловдан ўтказсин ҳамда уларга Марказнинг минтақавий филиалларини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин;

уч ой мuddатда минтақавий филиалларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун уларни зарур бўладиган жиҳозлар ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) билан биргаликда уч ой мuddатда давлат спорт-таълим муассасалари ўқувчилари, миллий терма жамоалар аъзолари ҳамда профессионал футбол ва бошқа спорт клублари спортчиларини жорий ва чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиш тартибини тасдиқласин.

15. Белгилансинки:
Марказ тиббий-биологик ва тиббий-психологик жиҳатдан мусобақаларга тайёрлашни таъминловчи, спорт тиббиёти соҳасидаги ўқув услубий қўлланма ва ўқув дастурларини ишлаб чиқувчи ихтисослаштирилган спорт тиббиёт муассасаси ҳисобланади;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб спорт тиббиёти соҳасидаги ўқув дастурлари ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш бевосита Марказ иштирокида амалга оширилади.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2024 йилдан бошлаб ҳар йили спорт-таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда спорт-таълим муассасаларида таҳсил олаётган спортчи-ўқувчиларни чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш учун зарур бўладиган маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги оммавий ахборот воситаларидан ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И.Икрамов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К.Қуранбаев зиммасига юклансин.

МУНОСАБАТ



Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Фаргона вилоят бўлими
раҳбари

Дарҳақиқат, маънавий тараққиётсиз қўзланган мақсадларга ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Кўни кеча эълон қилинган Республика Маънавият ва маърифат маркази фаоллари ва бир гуруҳ маърифат тарғиботчиларининг Ўзбекистон халқига мурожаати барчанинг айни дилдаги чақириқ бўлди, десак янглишмаймиз. Мурожаатда ватандошларимиз, ота-оналар, зиёлилар, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва ёшларга маънавий-маърифий соҳада асло бефарқ бўлмаслик таъкидланади.

Аслида ҳам, бугунги нотинч замонда — тинчлик-хотиржамликнинг қадри ортган паллада миллий қадриятлар асраб-авайланмас, миллий ўзлиқни англаш жараёни такомилга етмас экан, ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига

МАҚСАДГА КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ БИЛАН ЭРИШАМИЗ

Янги Ўзбекистон ўз олдига қўйган катта мақсадлар сари дадил одимламоқда. Ҳеч нарса осмондан тушгани йўқ, бу йўлни халқимизнинг ўзи танлади. Албатта, юксак марраларни забт этишнинг машаққати ҳам бор. Миллий ўзлигига эга буюк элимиз жипс бўлиб, барчасига эришади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентликка киришми маросимидаги нутқиди таъкидлаганидек, ҳеч шубҳасиз, биз бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт билан бирга аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.

тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мушкуллигини бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу нималарда қўринад?

Авалло, Ватанга садоқат, халқ хизматида камарбасталик ҳислатлари мукамал шаклланган, бу хайрли ва эзгу ишга ҳаётини тика олган инсон онгу шуурида порахўрлик, мансабпарастлик, худбинликка жой ҳам қолмайди. Бундай кишилар юрт таъвишини ҳамма нарсадан устун қўяди, ўз хатти-ҳаракатларининг натижасини кўра олади.

Шунингдек, жамиятда урчиётган коррупция, товламачилик, фирибгарлик каби иллатлар, қўшиб ёзиш, ёлғон маълумот бериш, “хўжақўрсин” ёхуд “биздан кетгунича...” қабилидаги салбий хатти-ҳаракатларга қарши курашишда ҳам маънавият тарғиботи, маърифатни қўллаб-қувватлаш самарали натижа беради. Зеро, миллий анъаналаримизда, муқаддас динимизда қораланган, халқ тилида “ҳаром”, “ғуноҳ”, “ўят”, “шарманда” дея баҳоланувчи ҳолатларнинг олдини олишда тарғибот масаласи катта роль ўйнайди.

Жазирама кунлари бозор-ўчаларда муздек суви текин тарқатиб юрган ёки ҳажга бораман деб жамгарган маблағини қишлоғи, маҳалласи ободонлиги учун

сарфлаётган юртдошларимиз, топган даромадининг маълум қисmini ўқув даргоҳларига, китоблар сотиб олишга

харж қилаётган ватандошларимиз, ўз билими ва иқтидорини хорижда эмас, ўз юртида нисбатан камроқ маош эвазига бўлса-да, намойиш этаётган, тенгдошларини ҳам шунга даъват этаётган ёшларимиз эмасми бугунги ислохотларимиздан руҳланаётганлар?! Топганини фарзандлари камолоти, билим олиши ва хунар эгаллаши учун сарф этаётганлар, кўр-кўрона, бидъат одатлардан воз кечиб, қизининг тўйида сеп қатори сара адабиётларни совға қилаётганлар эмасми эртанги кунга ишонч билан кўз тикиб, бошқаларга ҳам умр мазмуни фақат еб-ичишу қийинишдан иборат эмаслигини англатаётганлар?!



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.



